

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

“Бинолардан фойдаланиш ва  
қурилиш-таъмирлаш ишлари  
дирекцияси директор  
ўринбосари – Комиссия раиси



**Иргашев А.А.**

2022 йил 12 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 14-апрелдаги қарорига асосан Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 107-"В" уй манзилида жойлашган маъмурий биносидан олиб борилган капитал таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан (контрольный обмер) ўтказиш бўйича харид комиссияси йиғилиш баённомаси**

**БАЁНИ № 2**

Раислик қилди: Иргашев А.А., – директор ўринбосари;  
Қатнашдилар: Хатамов О.Э., – директор ўринбосари  
Холтўраев А.А., – бўлим бошлиғи  
Искандаров Д.И., - бинолар бўйича муҳандис  
Асқаров А.А., - Бош мутахассис

**КУН ТАРТИБИ:**

Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 107-"В" уй манзилида жойлашган маъмурий биносидан олиб борилган капитал таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан (контрольный обмер) ўтказиш бўйича танлов савдоларига эълон қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги “Биноларидан фойдаланиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК директори Ш. Қиличев иштирокида 2022 йил 12 октябр куни назорат ўлчовини ўтказишга оид шартнома тузиш ҳуқуқи учун хизматларни кўрсатувчи (ижрочини) танлаш бўйича танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги “Биноларидан фойдаланиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК харид комиссиясининг (кейинчалик Комиссия) йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ, Комиссия аъзоларига назорат ўлчовини ўтказишга оид шартнома тузиш ҳуқуқи учун хизматларни кўрсатувчи (ижрочини) танлаш бўйича танлов ҳужжатлари (техник шартлар, шартнома) лойиҳасини кўриб чиқиш ва муҳокама учун тақдим этилди.

Комиссия раиси (А.Иргашев) томонидан танлов ҳужжатларидаги шартлардан келиб чиқиб:

Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 107-"В" уй манзилида жойлашган маъмурий

биносида олиб борилган капитал таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан (контрольный обмер) ўтказиш бўйича ишларнинг қийматини келиб тушган таклифларга кўра 146 585 659 (бир юз қирқ олти миллион беш юз саксон беш минг олти юз эллик тўққиз) сўм қилиб белгилаш;

Юқорида билдирилган таклифлар юзасидан Комиссия аъзоларидан ўз фикр мулохазаларини билдиришлари сўралди. Комиссия аъзолари томонидан таклиф юзасидан эътироз ва кўшимчалар билдирилмаганлиги сабабли ушбу масала овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

“РОЗИМАН” – 5 нафар;

“ҚАРШИМАН” - йўқ;

“БЕТАРАФ” – йўқ.

Овоз бериш натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги “Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУКнинг харид комиссияси,

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 107-"В" уй манзилида жойлашган маъмурий биносида олиб борилган капитал таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан (контрольный обмер) ўтказиш бўйича танлов ҳужжатлари (техник шартлар, шартнома) иловага асосан тасдиқлансин.

2. Техник ўлчовни ўтказишга оид хизматларнинг бошланғич қиймати 146 585 659 (бир юз қирқ олти миллион беш юз саксон беш минг олти юз эллик тўққиз) сўм миқдоридан белгилансин;

3. Комиссия аъзоси, бош мутахассис (А.Асқаров) илова қилинган ҳужжатлар асосида <https://xarid.uzex.uz/> сайтида танлов эълон қилсин.

#### **Комиссия аъзолари:**

Хатамов О.Э. \_\_\_\_\_

Холтўраев А.А. \_\_\_\_\_

Искандаров Д.И. \_\_\_\_\_

Асқаров А.А. \_\_\_\_\_